

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.I.60.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ОРИПОВ ДИЛМУРОД АЛИЖОН ЎҒЛИ

**ЧАРМ-ПОЙАБЗАЛ КОРХОНАЛАРИДА СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.13 – Менежмент

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on economics sciences**

Орипов Дилмурод Алижон ўғли

Чарм-пойабзал корхоналарида сифат менежментини такомиллаштириш 3

Орипов Дилмурод Алижон ўғли

Совершенствования управления качеством на кожевенно-обувных
предприятиях..... 27

Oripov Dilmurod Alijon ugli

Developing quality management in leather-footwear enterprises 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 56

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.I.60.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ОРИПОВ ДИЛМУРОД АЛИЖОН ЎҒЛИ

ЧАРМ – ПОЙАБЗАЛ КОРХОНАЛАРИДА СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Андижон – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Iqt778 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adu.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ашуров Махаммаджон Сотволдиевич
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Отажонов Шухрат Ибрайимжонович
иктисодиёт фанлари доктори

Исмоилов Равшанжон Бахритдинович
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон машинасозлик институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.I.60.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «14» 07 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./факс: 0(374) 223-88-30, e-mail: agsu_info@edu.uz.)

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (921 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./факс: 0(374) 223-88-30).

Диссертация автореферати 2021 йил «29» 06 кун тарқатилди.
(2021 йил «29» 06 даги 31 рақамли реестр баённомаси)



Н. И. Аскарлов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.И. Мараимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

А. Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи илғор давлатлар рўйхатига назар ташланса, биринчи ўринда Хитой йилига 10 млрд. жуфт, халқаро бозордаги улуши 63 %, иккинчи ўринда Ҳиндистон - йилига 909 млн. жуфт, бозор улуши 5,72 %, ундан кейин Бразилия 816 млн жуфт, Вьетнам 715 млн жуфт, Индонезия 597 млн жуфт, Покистон 280 млн жуфт, Таиланд 255 миллион жуфт, Италия 225,2 млн жуфт пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда¹. Дунё бўйича чарм-пойабзал маҳсулотларини 0,2 фоизи Ўзбекистонда ишлаб чиқарилади.

Жаҳонда чарм-пойабзал маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш борасида сифатни бошқаришнинг статистик усуллари, сифатни танланма назорат қилиш жадваллари, TQC, TQSC, TQM, ISO 9000 каби халқаро стандартларни жорий этиш бўйича илмий тадқиқот ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда саноат маҳсулотлари сифатини баҳолаш ва бошқариш, сифат менежменти тизимини такомиллаштириш бўйича ISO 14000, QS 9000, ISO 9000:2005 серияли стандартлар ҳамда EQMS дастури кабилар устида устувор даражада илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, жумладан, пойабзал маҳсулотларининг сифатини ошириш ва рақобатбардошлигини таъминлашда сифат менежментини замонавий тамойилларини қўллаш, бошқарув тизимини такомиллаштиришга муҳим аҳамият қаратилмоқда. «...Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш...»² каби муҳим устувор вазифалари белгиланган. Мазкур устувор вазифаларни ижросини таъминлашда пойабзал саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 3 майдаги ПҚ-3693-сон «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4059-сон «Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш,

¹ <https://www.shoes-report.ru/news/sostavlen-reyting-stran-proizvoditeley-obuvi/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривож-лантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // www.lex.uz

сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корхоналарда сифат менежментини такомиллаштириш бўйича масалалар J.Dahlgaard, K.Kristensen, K.Kanji, E.Sallis, L.Koskela, A.Teziel, V.Patel, M.David, D.Winsor ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ёритилган³.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида сифат менежменти масалалари М.М.Кане, Б.В.Иванов, В.Н.Корешков, А.Г.Схиртладзе, И.И.Мазур, Ю.Г.Малахова, В.М.Мишин, В.Б.Протасьева, Ю.И.Ребрин, Т.А.Салимова каби олимларнинг тадқиқот ишларида ўрганилган⁴.

Ўзбекистонда сифат менежментини такомиллаштиришнинг умумий муаммоларини ўрганиш бўйича маҳаллий олимларимиздан Р.Исматуллаев, Ш.Тураев, Н.Халилов, М.Бадалова, Д.Раҳимова, Ж.Камбаров ва бошқа олимлар илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар⁵.

³ Jens J. Dahlgaard, Kai Kristensen and Gopal K. Kanji. Fundamentals of Total Quality Management. Textbook, London and New York, Taylor & Francis 2002. pp. 337., E.Sallis Total Quality Management in Education. Taylor & Francis e-Library, 2005. pp.176.; Koskela L., Teziel A., and Patel V. (2019). "Theory of Quality Management: its Origins and History" In: Proc. 27 th Annual Conference of the International. Group for Lean Construction (IGLC), Pasquire C. and Hamzeh F.R. (ed.), Dublin, Ireland, pp. 1381-1390, Boje, David M & Robert D. Winsor (1993). The resurrection of Taylorism: Total quality management's hidden agenda. Journal of Organizational Change Management. Vol. 6 (4). pp.57-70.

⁴ Кане М. М., Иванов Б. В., Корешков В. Н., Схиртладзе А. Г. Системы, методы и инструменты менеджмента качества: Учебное пособие. — СПб.: Питер, 2008. — 67 с., Мазур И.И. Управление качеством: Учебное пособие для студентов вузов. - М.: Омега-Л, 2012. - 216 с., Малахова Ю. Г. Управление качеством: учеб. Пособие. Сиб. гос. аэрокосмич. ун-т. – Красноярск, 2014. – 168 с., Мишин В.М. Управление качеством: Учебник для студентов вузов, обучающихся по специальности «Менеджмент организации», М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. - 463 с., Протасьева В.Б. Управление качеством: учебник. -2-е изд. - М.: ИНФРА-М. - 2010. - 216 с., Ребрин Ю.И. Управление качеством: Учебное пособие. Таганрог: Изд-во ТРТУ, 2004. 174 с., Салимова Т.А. Управление качеством: учеб. по специальности «Менеджмент организации» / Т.А. Салимова. – 2-е изд., стер. – М.: Издательство «Омега-Л», 2008. – 188 с.

⁵ Исматуллаев Р. Сифат менежменти тизими ва уни сертификатлаш. Дарслик, Т.: Сано-стандарт, 2014. – 336 б., Тураев Ш. Разработка методик и алгоритмов управления качеством продукции предприятий химической отрасли на основе международных стандартов (на примере Кокандского суперфосфатного завода). Диссертация на соискание ученой степени кандидата технических наук, Т.:2011, – 166 с., Халилов Н. Маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишда сифатни бошқариш тизимини такомиллаштириш (Андижон вилояти саноат корхоналари мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, Т.:2020.– 24 б., Бадалова М.У. Миллий иқтисодиётда халқаро ISO 9000 серияли сифатни бошқариш тизимини жорий этиш хусусиятлари. Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: 2008. – 24 б., Раҳимова Д.Н. ва бошқалар., Замонавий менежмент: назария ва амалиёт. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. – Т.: Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009. –792 б., Камбаров Ж. Сифат менежментини такомиллаштириш: Монография. Т.: “Наврўз”, 2018. – 61 б.

Аммо мамлакат чарм-пойабзал корхоналарида сифат менежментини ташкил қилиш ҳамда такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар етарлича ўрганилмаганлиги, мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади. Бу эса мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона политехника институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва модернизация қилиш шароитида саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишни тадқиқ этиш, бошқаришнинг самарадор услуб ва технологияларини яратиш ҳамда такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади чарм-пойабзал корхоналарида сифат менежментини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

чарм – пойабзал корхоналарида маҳсулот сифати тушунчаси, аҳамияти ва сифатга таъсир этувчи омилларни назарий ҳамда услубий жиҳатларини тадқиқ этиш;

чарм – пойабзал корхоналарига сифат менежментини татбиқ этишнинг замонавий ёндошувлари ва тамойилларини назарий асосларини ишлаб чиқиш;

корхоналарда маҳсулот сифатини бошқаришда истеъмолчи талаби ва эҳтиёжини қондирилганлигини баҳолаш, истеъмолчилар билан муносабатларни бошқариш алгоритмининг таклиф этиш;

республика чарм-пойабзал саноати корхоналари фаолиятини таҳлил этиш;

чарм-пойабзал корхоналарида сифатни бошқариш харажатлари ва назорат қилиш усулларини таҳлил қилиш ҳамда аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

пойабзал саноати корхоналарига сифат менежментини татбиқ этиш ва эксперт баҳолаш усулини муаллифлик ёндашуви асосида такомиллаштириш;

корхоналарда сифатни назорат қилиш усулларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш;

Саноат-4.0 дастури орқали пойабзал саноати корхоналарида сифат менежментини такомиллаштириш;

чарм – пойабзал корхоналарида сифат менежментини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона вилоятидаги чарм-пойабзал корхоналарининг сифат менежменти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб чарм-пойабзал корхоналарида сифат менежментини такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, қиёсий

таҳлил, статистик таҳлил, эксперт баҳолаш, омили таҳлил, иқтисодий таҳлил, бошқаришнинг умумий усуллари, сўров, танланма кузатув ва бошқа усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«Uzsalaman» қўшма корхонасида истеъмолчилар билан муносабатларни бошқариш алгоритми товар сифати ва нархи ҳақидаги маълумотларни ҳафталигини мақбуллаштириш ҳамда уни маҳсулот сотиш жараёни билан уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган;

пойабзал саноати корхоналарида сифат менежментини ташкил этиш жараёни горизонтал ва вертикал даражада истеъмолчилар талабини уйғунлаштириш, сифатнинг мақбул даражасига эришиш учун зарур бўлган мажбуриятларни бошқарув фаолиятига тақсимлашга кўра такомиллаштирилган;

«Uzsalaman» қўшма корхонасида сифатни бошқариш дастури рақамли технология асосида хомашё сифатини технологик баҳолаш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини стандартларга мувофиқлигини ишлаб чиқариш операциялари даражасида мониторинг қилиш асосида такомиллаштирилган;

сифат менежментини эксперт усулда аниқлаш методикаси корxonанинг сифат сиёсатини белгиловчи талабларни идентификациялаш ҳамда халқаро стандартларга мувофиқлигини мавжуд ва истиқбол имкониятлардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Uzsalaman» ҚҚнинг маҳсулот сифатига таъсир этувчи омиллар инсонлар, жиҳозлар, материаллар, усуллар ва ўлчовларга бўлиш орқали Исикава схемаси асосида ишлаб чиқилган;

пойабзал саноати корхоналарида ходимларни ишга тайёргарлик сифатини, брак ва дефектларни ҳафталик ҳисобини аниқ ва равшан кўрсатиб берувчи сифат назорати варақасидан фойдаланиш бўйича назорат усули таклиф этилди;

сифат назорати гистограммаси идентификация қилиш натижасида белгиланган сифат талабларига жавоб бериш мезонларининг мувофиқлигини гуруҳларга бўлиш асосида ишлаб чиқилди;

«Uzsalaman» ҚҚда омборга маҳсулотни дефектсиз қабул қилиш диаграммаси хомашёни назорат қилиш, дефектларни аниқлаш учун буюмларни кўздан кечириш каби жараёнлар асосида ишлаб чиқилган;

«Uzsalaman» ҚҚда «Нима учун?» методидан фойдаланиб корхонадаги мавжуд муаммолар ва вазифалар аниқланди ҳамда маҳсулот сифати менежменти тадқиқ этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илғор хориж тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш, сифат менежментини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасидаги мавжуд илмий-тадқиқот ишларини қиёсий ва танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, ахборотлар базасининг миллий ва халқаро нуфузли ташкилотларнинг расмий манбаларидан олинганлиги ва уларни самарали

таҳлил усулларида фойдаланиш орқали қайта ишланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва «Ўзчармсаноат» уюшмасининг статистик маълумотларига асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мавжуд йўналишдаги услубий ёндашувларни такомиллаштиришни ҳамда улардан келгусида чарм-пойабзал корхоналарида сифат менежментига бағишланган махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Ишлаб чиқилган илмий тавсиялар чарм-пойабзал корхоналарида сифат менежментини шакллантириш ва ривожлантиришда методик база бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни республикамизнинг чарм-пойабзал корхоналарида сифат менежменти ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар ва йўриқномаларни ишлаб чиқишда қўллаш мумкинлиги ҳамда амалий тавсиялардан олий таълим тизимида «Сифат менежменти» ва «Метрология асослари» фанларини ўқитишда фойдаланилаётганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чарм-пойабзал корхоналарида сифат менежментини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Uzsalaman» кўшма корхонасида истеъмолчилар билан муносабатларни бошқариш алгоритми товар сифати ва нархи ҳақидаги маълумотларни ҳафталигини мақбуллаштириш ҳамда уни маҳсулот сотиш жараёни билан уйғунлаштириш бўйича берилган таклифлар «Ўзчармсаноат» уюшмасига аъзо корхоналардан «Uzsalaman» кўшма корхонаси фаолиятига жорий этилган («Ўзчармсаноат» уюшмасининг 2021 йил 12 январдаги ФБ-7/75-сонли маълумотномаси). Натижада, «Uzsalaman» кўшма корхонасининг маҳсулотига бўлган талаб ҳажми 1,3 баробарга ортишига эришилган;

пойабзал саноати корхоналарида сифат менежментини ташкил этиш жараёни горизонтал ва вертикал даражада истеъмолчилар талабини уйғунлаштириш, сифатнинг мақбул даражасига эришиш учун зарур бўлган мажбуриятларни бошқарув фаолиятига тақсимлаш бўйича берилган таклифлар «Ўзчармсаноат» уюшмасига аъзо корхоналардан «Uzsalaman» кўшма корхонаси фаолиятига жорий этилган («Ўзчармсаноат» уюшмасининг 2021 йил 12 январдаги ФБ-7/75-сонли маълумотномаси). Натижада «Uzsalaman» кўшма корхонасида сифатнинг мақбул даражаси аниқланишига, дефект ва бракларни 80 %га камайтиришга эришилган;

«Uzsalaman» кўшма корхонасида сифатни бошқариш дастури рақамли технология асосида хомашё сифатини технологик баҳолаш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини стандартларга мувофиқлигини ишлаб чиқариш операциялари даражасида мониторинг қилиш бўйича берилган таклифлар «Ўзчармсаноат» уюшмасига аъзо корхоналардан «Uzsalaman» кўшма корхонаси фаолиятига жорий этилган («Ўзчармсаноат» уюшмасининг 2021 йил 12 январдаги ФБ-7/75-сонли маълумотномаси). Натижада

«Uzsalaman» кўшма корхонасида сифат менежменти рақамлаштирилишига, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 15 %га ортишига эришилган;

сифат менежментини эксперт усулда аниқлаш методикаси корхонанинг сифат сиёсатини белгиловчи талабларни идентификациялаш ҳамда халқаро стандартларга мувофиқлигини мавжуд ва истиқбол имкониятлардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш бўйича берилган таклифлар «Ўзчармсаноат» уюшмасига аъзо корхоналардан «Uzsalaman» кўшма корхонаси фаолиятига жорий этилган («Ўзчармсаноат» уюшмасининг 2021 йил 12 январдаги ФБ-7/75-сонли маълумотномаси). Натижада «Uzsalaman» кўшма корхонасининг халқаро сифат стандартларига мувофиқлик даражаси ортишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация иши мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларида 3 та илмий мақола (2 таси маҳаллий ва 1 таси хорижий журналларда), халқаро ва республика илмий-амалий конференция тўпламларида 9 та маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркибан кириш, урта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 131 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Чарм – пойабзал корхоналарига сифат менежментини татбиқ этишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобда, чарм-пойабзал саноати корхоналарида сифат тушунчасини намоён этувчи ёндашувлар, маҳсулот сифатига таъсир этувчи омиллар, сифат менежменти принциплари, маҳсулот сифатини бошқаришда истеъмолчилар талаби тадқиқий ўрганилган, шунингдек, чарм-пойабзал корхоналарида сифат менежментининг назарий ва услубий жиҳатлари турли ёндашувлар бўйича тадқиқотчилар қарашлари асосида тадқиқ этилган ҳамда умумий хулосалар ишлаб чиқилган.


Чарм-пойабзал саноати иқтисодиётнинг ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш соҳасининг асосий тармоқларидан бири саналади. Мазкур тармоқда 2019 йилда ўтган йилга нисбатан 1,4 марта кўп саноат маҳсулотлари, жумладан 86,1 млн жуфт пойабзал, 60 млрд сўмлик чарм-атторлик буюмлари ишлаб чиқарилгани қайд этилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг жадал суръатларда ўсиши, ушбу тармоқнинг стратегик аҳамиятини ошириб келмоқда.

Тадқиқот ишида сифатга берилган турлича таърифлар атрофлича тадқиқ этилган ҳолда «Сифат – бу қўйилган ва кутилган талабларни маҳсулотнинг йиғилган тавсифлари орқали қониқтириш»⁶ деган хулоса таклиф этилди.

Шунингдек, маҳсулот сифатига таъсир этувчи омилларни таъсир доирасига қараб ташқи ва ички турларга бўлиниши, ташқи омилларга потенциал харидорларнинг талаблари, рақобат даражаси, сифат соҳасидаги меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар, корхонанинг обрўсини мақбул даражада сақлаш, етказиб берувчилар билан муносабатлар, тармоққа давлат аралашувининг даражаси, ички омилларга техникавий, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, операцион, ишлаб чиқариш омиллари гуруҳи таъсири назарий жиҳатдан таснифланган.

Муаллифнинг фикрича, сифатни бошқариш тамойилларини асосий ва ёрдамчи каби икки турга бўлиш мумкин. Биринчи турдаги тамойиллар гуруҳига хомашёни сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва сотиш тааллуқли бўлса, иккинчи турдаги тамойилларга маҳсулотни тайёрлаш билан боғлиқ ташкилий, инновацион тамойиллар киради. Ушбу нуқтаи назардан олиб қараганда сифат менежментини қуйидаги тамойиллар гуруҳи орқали ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши товарни бозорда айланиш тезлигини оширади:

⁶ Муаллиф томонидан таклиф берилган.



1-расм. Сифат менежменти тамойиллари⁷


Юқорида таклиф этилган тамойиллар орқали сифат бошқарувини корхонада ташкил этиш ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигини таъминлайди ва корхонанинг рақобатбардошлигини оширади.

Диссертацияда пойабзал маҳсулотларини истеъмол қилиш жараёни сифат менежментида узлуксиз тадқиқотлар, ўрганишлар ва олинган ахборотларни таҳлил қилиш зарурлиги таъкидланган. Истеъмолчилар эҳтиёжини қондирилганлик тадқиқоти ўзида ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг муҳим вазифаларидан бирини акс эттиради. Бундай тадқиқотларнинг асосий мақсади реал истеъмолчиларнинг эҳтиёжи қондирилишини ошириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш ва янги доимий мижозлар сонини ошириш ҳисобланади.

Истеъмолчилар билан муносабатларни бошқаришда товар тўғрисида улардан олинадиган ахборотлар жуда муҳим саналади. Ҳар бир корхона ушбу ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва шу асосда маҳсулотнинг сифатини аниқлаш ва муаммоларини бартараф этиш тизимига эга бўлиши керак. Ушбу тизим юқорида кўрсатилган алгоритм асосида ишлаши ва ҳар бир мижознинг фикрини узлуксиз ўрганиб бориш механизмига эга бўлиши керак.

Бунинг учун корхона сотувчи ёки сотиш каналлари орқали ўзига қандай ахборотлар кераклиги ҳамда истеъмолчиларни товар ҳақидаги қандай ахборотлар қизиқтиришини батафсил ўрганмоғи ва сўровларни олдиндан тайёрлаб қўймоғи лозим. Бугунги кунда кўплаб ўзини ва мижозларни ҳурмат қилган корхоналар бу масалада FAQ (frequently asked questions) сўровидан фойдаланадилар.

⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



2-расм. Пойабзал ишлаб чиқарувчи корхоналарда истеъмолчилар билан муносабатларни бошқариш алгоритми⁸

Тадқиқот натижаларига кўра, истеъмолчиларнинг истак-хоҳиши ўзгарувчанлигини эътиборга олган ҳолда истеъмолчилар эҳтиёжларига мувофиқ, равишда пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқариш зарур. Пойабзал саноати маҳсулотларини ҳар бир мавсумга мос равишда ассортиментларини тайёрлаш, уларни истеъмолчилар талаби даражасида ишлаб чиқариш талаб этилмоқда.

Диссертациянинг «Чарм – пойабзал корхоналарида сифат менежментини жорий ҳолати ва тизимдаги муаммолар таҳлили» деб номланган иккинчи бобида сифат менежментини ривожланиш эволюцияси,

⁸ Муаллиф ишланмаси

халқаро стандартлар, республика чарм-пойабзал саноати корхоналари фаолияти тахлили, чарм-пойабзал корхоналарида сифатни назорат қилиш усуллари ва муаммоларни бартараф этиш тахлили, маҳсулот сифатини бошқариш харажатлари классификацияси тадқиқ этилган.

2019 йил охирида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» савдо белгиси остида маҳаллий пойабзал ва аксессуарларнинг сони сезиларли даражада ортди. 2017 йилда 10,8 млн жуфт пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2019 йилга келиб 86 млн жуфтдан кўпроқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

2020 йил охирига келиб, соҳа бўйича корхоналар томонидан 3565,1 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши режалаштирилмоқда, шундан пойабзал маҳсулотлари 105,8 млн. жуфтни, чарм маҳсулотлари 1460,0 млн. кв.дмни ва чарм-атторлик маҳсулотлари 76,6 млрд.сўмни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

1-жадвал

Худудларда пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқариш улуши (% да)⁹


| № | Номи | Йиллар | | | | |
|-----|--------------------------------|------------|------------|------------|------------|------------|
| | | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 |
| | Ўзбекистон Республикаси | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| | вилоятлар: | | | | | |
| 2. | Андижон | 34,9 | 31,6 | 47,8 | 23,3 | 27,1 |
| 3. | Бухоро | 0,3 | 0,3 | 0,2 | 0,2 | 0,2 |
| 4. | Жиззах | 0,1 | 0,2 | 0,1 | 0,2 | 0,1 |
| 5. | Қашқадарё | 0,1 | 0,1 | 0,0 | 0,1 | 0,1 |
| 6. | Навоий | 0,4 | 0,8 | 0,5 | 0,3 | 0,5 |
| 7. | Наманган | 1,5 | 2 | 0,9 | 2,5 | 3,6 |
| 8. | Самарқанд | 45,9 | 48,7 | 29,8 | 48,6 | 41,4 |
| 9. | Сурхондарё | 0,0 | 0,1 | 0,1 | 0,0 | 0,0 |
| 10. | Сирдарё | 0,8 | 0,9 | 0,6 | 1,2 | 0,8 |
| 11. | Тошкент | 3,6 | 2,8 | 1,8 | 2 | 3,2 |
| 12. | Фарғона | 6,7 | 7,1 | 6,1 | 16,3 | 18,9 |
| 13. | Хоразм | 0,1 | 0,2 | 0,4 | 0,3 | 0,2 |
| 14. | Тошкент ш. | 5,6 | 5,2 | 11,7 | 5 | 3,9 |

Пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқаришда энг кўп улушга эга худудлар Самарқанд, Андижон ва Фарғона вилоятлари бўлиб, ушбу худудларда тадбиркорлик субъектлари сонининг кўплиги ҳамда уста ҳунармандлар фаолият кўрсатиши муҳим омиллардан ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари республикада энг кам улушга эга худудлар саналади, худудларда соҳа фаолиятини ривожлантириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Шунингдек, телеграм ижтимоий тармоғида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган пойабзал маҳсулотларини сотиб оласизми ва сифати сизни

⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

қониқтирадим» саволи билан сўров ўтказилди. Жами сўровни 3633 нафар фойдаланувчилар кўрдилар. Улардан сўровда телеграмм тармоғидаги Ўзбекистонлик бўлган 1124 та респондентлар қатнашдилар (3-расмга қаранг).



а) жавоб берган респондентлар сони

б) респондентларнинг улуши, %

3-расм. «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган пойабзал маҳсулотларини сотиб оласизми ва сифати сизни қониқтирадим» номли саволга респондентлардан олинган жавоблар¹⁰

Респондентларнинг 247 нафари ёки 22% Республикада ишлаб чиқариладиган пойабзалларни сотиб оламан, улар сифатли деб жавоб бердилар. 484 нафари ёки 43% сотиб оламан, лекин сифати ўртача деб жавоб бердилар. 101 нафари ёки 9 фоизи сотиб оламан, аммо сифатсиз деб жавоб бердилар. 292 нафар, яъни 26% сотиб олмайман деб жавоб берди. Тадқиқотдан кўринадики, республикада ишлаб чиқариладиган пойабзал маҳсулотларининг сифатидан респондентларнинг 78% норози бўлган. Мазкур сўров натижаси ҳам маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган пойабзал маҳсулотларига истеъмолчиларнинг реакциясини ва муносабатини кўрсатиб турибди. Бундан кўринадики, маҳаллий пойабзал маҳсулотлари учун сўровда қатнашган 78% истеъмолчилар «террорчи» бўлиб, пойабзал сифати ҳақида яхши фикрга эга эмаслар. Ушбу ҳолатнинг ўзи ҳам маҳаллий пойабзал ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг сифат менежменти билан боғлиқ амалга оширадиган ишларининг кўламини кўрсатиб турибди.

Тадқиқот ишида «Uzsalaman» кўшма корхонасининг сифат менежменти фаолияти таҳлилий ўрганилган. Корхонада маҳсулот сифатини назорат қилишда инсон омилидан самарали фойдаланилади. Шунингдек, корхона маҳсулотини сифатига, сарф харажатларига нисбатан ўз маҳсулотини арзон нархларда сотмоқда. Лекин маҳсулот дизайни маънавий эскирганлиги сабабли корхона маҳсулотига бўлган талаб етарли даражада эмас.

¹⁰ Муаллиф томонидан телеграмм ижтимоий тармоғида ўтказилган сўровнома натижалари

Корхонада сифат менежменти тизимини ташкил этиш билан боғлиқ бир канча муаммолар аниқланган, сифат менежментини амалга оширувчи бошқарув бўғини мавжуд эмаслиги, сифат менежменти билан боғлиқ бошқарув функцияларининг бошқа бўлимларга тақсимланганлиги, бошқа бўлимларга тақсимланган сифат менежменти функцияларининг самарали амал қилмаслиги, сифат менежменти ҳақида юритиладиган ахборот каналларининг тўғри ташкил этилмаганлиги, сифат менежментини ташкил этишдаги иш ҳажмига нисбатан масъул ходимларни этишмаслиги шулар жумласидандир.

2-жадвал

Фарғона вилоятида пойабзал саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми, минг жуфт¹¹

| Номи | 2015 йил | 2016 йил | 2017 йил | 2018 йил | 2019 йил |
|---|----------|----------|----------|----------|----------|
| Резина пойабзал (Калиш) | 1 055,00 | 1 141,90 | 1 518,20 | 2 758,80 | 2 876,00 |
| Сув ўтказмайдиган оёқ кийимлари, каучук ёки паластик тагликлар (Калишдан ташқари) | 488,2 | 295,4 | 1 078,30 | 3 119,70 | 3 191,50 |
| Каучук ёки пластмассадан тикилган туфлилар (сув ўтказмайдиган спорт пойабзалларидан ташқари) | 644,5 | 581,5 | 452 | 853,5 | 1 588,70 |
| Тери ёки композицион теридан тайёрланган пойабзалларнинг устки қисмлари (спорт пойабзалларидан ташқари) | 499,1 | 555,1 | 843,1 | 1 839,10 | 2 156,50 |
| Тўқимачилик пойабзаллари (спорт пойабзалларидан ташқари) | 225,3 | 174,9 | 698,2 | 710,9 | 376,1 |
| Бошқа спорт пойабзаллари (чанғи ва конькида фойдаланиладиган этиклардан ташқари) | 0 | 0 | 0 | 0 | 25,5 |
| Чанғи пойабзали (тоғ чанғиси, сноубордда юриш учун этиклар) | 1,5 | 0 | 0 | 0 | 0 |


Жадвал маълумотларидан кўринадики, Фарғона вилоятида асосий пойабзал маҳсулотлари таркибида резина пойабзал ишлаб чиқариш етакчилик қилмоқда. 2015-2019 йилларда ушбу кўрсаткич 2,7 баробарга ортиб кетган. Спорт пойабзалларини ишлаб чиқариш эса талаб даражасида эмас. 2019 йилда мазкур пойабзалнинг тури атиги 25,5 минг жуфт ишлаб чиқарилган, холос.

Диссертациянинг «**Чарм-пойабзал саноати корхоналарига сифат менежментини татбиқ этишни такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобида пойабзал саноати корхоналарида сифат менежментини татбиқ этиш ва эксперт усулда баҳолаш методикаси ишлаб чиқилган, корхоналарда сифат менежментини ташкил этиш учун зарур чора-тадбирлар тавсия этилган, корхоналарда сифатни назорат қилиш усулларида фойдаланиш амалиёти такомиллаштирилган, сифат назорати гистограммаси, назорат варақаси,

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган. <https://stat.uz>

потокли диаграмма, Исикава схемаси, Нима учун? диаграммаси, Шухарт назорат картаси каби сифат назорати усулларини ҳамда EQMS дастурини қўлланилиши бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертацияда пойабзал саноати корхоналарида, хусусан «Uzsalaman» ҚҚда сифат менежментини ташкил этиш учун етти босқичдан иборат тадбирларни амалга ошириш тавсия этилган.



4-расм. Пойабзал саноати корхоналарида сифат менежментини ташкил этиш жараёнлари¹²

Дастлаб, истеъмолчиларнинг талабларини ўрганиш ва маълум маънода тадқиқотлар орқали ахборот йиғиш зарурлиги, бунинг учун корхонада замонавий ахборот технология воситаларидан, QR-код тизимидан, интернет тармоқларидан фойдаланиш тавсия этилган. Бунда ахборотларни шахсан истеъмолчининг ўзидан олиш тизимини рақамли технологиялар асосида йўлга қўйиш бошқа воситаларга нисбатан тез ва осон амалга ошади.

¹² Муаллиф ишланмаси

Олинган ахборотлар асосида саноат корхонасининг сифат сиёсати ва мақсадларини ишлаб чиқиш зарур. Бунда истеъмолчиларнинг хоҳиш ва истаклари корхона стратегиясини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, истеъмолчилардан сифатни яхшилаш бўйича талаблар тушганда, барча сиёсат сифатни оширишга қаратилган бўлиши, агар дизайнни яхшилаш бўйича таклиф тушганда, ушбу масалани корхона сиёсати ҳал этишга йўналтирилган бўлиши керак.

Сифатни мақбул даражасини аниқлаш ва маҳсулотни истеъмолчиларга вақтида етказиш бўйича ваколатларни тақсимлаш сифат сиёсатини ҳаракатга келтирувчи механизм ҳисобланади. Сифат бўйича масъулият ва ваколатлар корхонада қоровул ва оддий ишчидан бошлаб, энг юқори раҳбаргача бўлган барча ходимлар ўртасида тақсимланиши зарур. Бунда бошқарувнинг бирор бўғини ёки босқичи сифат бўйича ишлаш вазифасидан четда қолиб кетмаслиги зарур. Барча бўлимларга ўзининг ваколат доирасида сифат бўйича ишлаш вазифаси топширилиши зарур. Бу Total quality management (TQM)нинг асосий шартларидан бири саналади. Шу билан бирга, сифатга таъсир этувчи материал ва таъминотлар ҳам ҳал этилади.

Сифат менежментида энг муҳим ҳаракат ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш тизими ҳисобланади. Пойабзал ишлаб чиқарувчи корхоналарда ушбу вазифа технолог ва сифат бўйича мутахассисларга юклатилган бўлиб, ишлаб чиқаришнинг ўзида амалга оширилади.

Сифат бўйича назорат натижалари муаммоларни олдини олишга йўналтирилган. Бу тизим сифат менежменти юзасидан корхона миқёсида қарорлар қабул қилишга қаратилган бўлиб, асосан, раҳбариятнинг вазифаси саналади. Корхона раҳбарияти ўз ваколати доирасида сифат муаммоларини ҳал этиш бўйича қарор қабул қилишни тизимли равишда амалга ошириб бориши зарур.

Корхонанинг маҳсулот сифатига жавобгар бўлим сифатни ошириш ва жараёнларни такомиллаштириш бўйича узлуксиз равишда дастурлар ишлаб чиқиши лозим. “Uzsalaman” ҚҚда сифат менежментини айна вазиятдаги ҳолатини таҳлил қилиш учун бир қатор сифат талабларини тузиб чиқиш ҳамда мувофиқлик даражасини аниқлаш лозим.

Диссертацияда сифат назоратининг:

- 1) сифат назорати гистограммаси;
- 2) сифат назорати варақаси;
- 3) потокли диаграмма;
- 4) Исикава схемаси;
- 5) Нима учун? диаграммаси;
- 6) Шухарт назорат картаси каби усулларида фойдаланиш тавсия этилган.

Гистограмма орқали таҳлил қилиш нисбатан классик усул ҳисобланиб, бир вақтнинг ўзида самараси ҳам юқори бўлади. Бунда Microsoft Excel дастуридан фойдаланиш сифат бўйича статистик натижаларни янада аниқроқ олишга ёрдам беради.

Гистограмма ясаш учун маълумотлар¹³

| | | | | | | | | | | | | |
|-------------------------------------|------------|------------|------------|------------|------------|------------|------------|------------|------------|------------|------------|------------|
| Сифат талаблари рақами | 1. | 2. | 3. | 4. | 5. | 6. | 7. | 8. | 9. | 10. | 11. | 12. |
| Талаблар натижасида шаклланган балл | 3/1 | 3/2 | 3/2 | 3/1 | 3/1 | 3/2 | 3/1 | 3/1 | 3/2 | 3/1 | 3/1 | 3/2 |
| Сифат талаблари рақами | 13. | 14. | 15. | 16. | 17. | 18. | 19. | 20. | 21. | 22. | 23. | |
| Талаблар натижасида шаклланган балл | 3/1 | 3/2 | 3/1 | 3/1 | 3/1 | 3/1 | 3/1 | 3/2 | 3/1 | 3/2 | 3/1 | |

Жадвалда сифат талаби натижасида шаклланган эксперт баҳолашнинг рейтинг баллари келтирилган. Бунда ҳар бир қатор бўйича олиниши мумкин бўлган максимал балл 3 балл бўлиб, корхона сифат сиёсати 1 ва 2 балл билан баҳоланган.

Бу маълумотларга асосан, гистограммани ясаш мумкин. Гистограммани ясаш учун мазкур маълумотларни тақсимланиш частоталарини аниқлаш зарур.

1. Чегаравий нуқталар. Мазкур мисолда 1-3 балл, минимал ва максимал қийматлар чегара нуқталари бўлиб ҳисобланади.

2. Гистограмма гуруҳлари сони. Буни аниқлаш учун баҳолашдаги баллардан фойдаланилади. Мисолга кўра 3 гуруҳга бўлинади. Чунки, 1, 2 ва 3 балл баҳолаш мезони сифатида олинган.

3. Гуруҳнинг кенглиги. Юқорида келтирилган 23 та вазият 3 та гуруҳга бўлинди.

Энди ушбу гуруҳларнинг чегараларини аниқлаб олиш лозим. Унинг учун қайси сифат талаби бўйича қанча балл олинган бўлса, ўша гуруҳга қўшилади. Корхонадаги вазият бўйича 1 балли гуруҳга 15 та талаб, 2 балли гуруҳга 8 та талаб тўғри келган. 3 балли гуруҳда эса сифат талаби бўйича кўрсаткич мавжуд эмас.

Гуруҳлар бўйича талаблар тақсимоти¹⁴

| Гуруҳлар сони | Ҳар бир гуруҳга берилган баллар миқдори | Гуруҳга кирувчи сифат талаби бўйича йиғилган умумий балл |
|---------------|---|--|
| 1-гуруҳ | 1 балл | 15 |
| 2-гуруҳ | 2 балл | 8 |
| 3-гуруҳ | 3 балл | 0 |

¹³ Муаллиф томонидан аниқланган кўрсаткичлар

¹⁴ Муаллиф томонидан аниқланган кўрсаткичлар

Ушбу маълумотларни бирлаштириб гистограммани ясаш мумкин.



5-расм. Сифат талабларига «Uzsalaman» ҚҚнинг жавоб бериш мезонлари бўйича гуруҳланишининг гистограмма кўриниши¹⁵

Гистограммада мезонлар частотасини янада яхшироқ кўриш имкони туғилди.

Бундан ташқари «Uzsalaman» корхонасида ишлаб чиқариш жараёнларидаги сифатни бузилишига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни маълумотлар варақаси усулида ҳам назоратга олиш мумкин. Мазкур диаграмма қуйидагича кўринишга эга бўлиши мумкин:

5-жадвал

«Uzsalaman» ҚҚда сифат назорати варақаси¹⁶


| № | Иш ўрнидаги қоидаларга риоя этмаслик | Хафта кунлари | | | | | Жами |
|---------------------------------------|--------------------------------------|---------------|---|----|-----|----|-----------|
| | | Д | С | Ч | П | Ж | |
| 1. | Атрофнинг тозалиги | // | | // | // | | 6 |
| 2. | Йўриқноманинг мавжудлиги | //// | | // | // | / | 9 |
| 3. | Иш жойида ўз вақтида бўлиш | / | | / | | // | 4 |
| 4. | Ускуна созлиги текшируви | / | / | / | | | 3 |
| 5. | Иш кийимида бўлишлик | // | / | | / | | 4 |
| Жами | | | | | | | 16 |
| Дефект ва браклар статистикаси | | | | | | | |
| 1 | Бичув участкаси | // | | | /// | / | 6 |
| 2 | Йиғув участкаси | | / | / | | | 2 |
| 3 | Яқунлов участкаси | ### | | / | | | 6 |
| Жами | | | | | | | 15 |

Юқоридаги назорат варақаси «Uzsalaman» ҚҚда сифат назоратини самарали олиб бориш, брак ва дефектлар сонини минималлаштириш, маҳсулот сифатини янада ошириш имкониятини яратади. Намунавий сифат назорати варақаси корхонада ходимларни ишга тайёргарлик сифатини, брак ва дефектларни ҳафталик ҳисобини аниқ ва равшан кўрсатиб беради.

¹⁵ Муаллиф ишланмаси

¹⁶ Муаллиф ишланмаси

Сифат назорати диаграммаси бирор аниқ жараённи кўриниши бўлиб, операцияларни кетма-кетлигини акс эттиради. Маълум шартларига мослиги ёки мос эмаслигига қараб, вазиятни давом эттириш учун альтернатив йўллارни кўрсатади.



6-расм. «Uzsalaman» КҚнинг маҳсулот сифатига таъсир этувчи омиллар Исикава схемасида¹⁷

